

**БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲОМИЙЛИКДАН ОЛИНГАН
МАБЛАҒЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ MASALALARI**

Қурбонов Шодликбек Марксович

*Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
хузуридаги Ўқув Маркази “Бухгалтерия ҳисоби
ва ахборот технологиялари” кафедраси мудирини,
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Рахимов Матназар Юсупович

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Молиявий таҳлил кафедраси профессори*

Аннотация: Бюджет ташкилотларига юридик ва жисмоний шахслар томонидан берилган ҳомийлик (беғараз) ёрдам пул маблағлари, асосий воситалар, номоддий активлар, товар-моддий захиралар ва бошқа турли активлар кўринишида бўлиши мумкин. Лекин, мазкур ҳомийликларни бюджет ташкилотлари томонидан бухгалтерия ҳисобида тўғри ва тўлиқ акс этирилмаслиги натижасида бир қатор муаммолар юзага келмоқда. Ушбу мақолда бюджет ташкилотларининг ҳомийликдан олинган пул маблағлари ва мол-мулки бўйича бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: ҳомийлик; ҳомийлар; кўнгиллилар; ҳомийлик хайриялари; пул маблағлари, асосий воситалар, номоддий активлар, товар-моддий захиралар, шахсий ғазна ҳисобварақ, бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисоботлар.

Маълумки, бюджет ташкилоти давлат функцияларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра ташкил этилган, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақлаб туриладиган нотижорат ташкилот ҳисобланади.

Бюджет ташкилотига ҳомийлар ва кўнгиллилар томонидан мол-мулк, шу жумладан пул маблағларини қайтармаслик шартин билан берилиши ёки улар учун ишлар бажариш, уларга хизматлар кўрсатиш ва уларни бошқача шаклда қўллаб-қувватлашда ифодаланадиган ихтиёрий беғараз ёрдами (фаолияти) ҳомийлик ҳисобланади. Ҳомийлар бу - ҳомийликни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслардир. Кўнгиллилар эса ҳомийлик олувчининг ёхуд бюджет ташкилотининг манфаатларини кўзлаб бепул ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш шаклидаги ҳомийликни амалга оширувчи жисмоний шахслар ҳисобланади.

Бюджет ташкилотларида ҳомийликдан олинган маблағлар бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобланади. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 60-моддасига мувофиқ бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси даромадларини

шакллантириш манбаларидан бири сифатида ҳомийликдан олинган маблағлар белгиланган. Шунингдек, Бюджет кодексининг 61-моддасига кўрас эса, давлат тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси юридик ва жисмоний шахслар томонидан берилган ҳомийлик (беғараз ёрдам) ҳисобига ҳам шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 02 майдаги “Ҳомийлик тўғрисида”ги ЎРҚ-96-сон Қонунига мувофиқ, юридик ва жисмоний шахслар ҳомийликни ихтиёрий равишда ҳамда монеликсиз амалга оширишга ҳақлиги белгиланган. Шунингдек, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналарининг ҳомийликка сарфланадиган ҳар йилги харажатлари ўтган йилда олинган соф фойданинг 10 фоизидан ошмаслиги кераклиги ҳамда бу харажатлар улар бизнес-режасининг ўтган ҳисобот давридаги соф фойдага тааллуқли қисми кўрсаткичлари бажарилгандагина амалга оширилиши мумкин.

Бундан ташқари ҳомийлар ўз ҳомийлик хайрияларидан фойдаланиш мақсадлари ва тартибини белгилашга ҳақлидирлар.

Бюджет ташкилотлари ҳам олинган ҳомийлик хайрияларини ҳисобга олиши ва улар тўғрисидаги ахборотни ошкор этиши зарурлиги ҳам қонунчиликда белгиланган. Яъни олинган ҳомийлик хайрияларининг бухгалтерия ҳисобини юритиши ҳамда ҳомийлик хайриялари олинган кундан эътиборан ўн кун ичида оммавий ахборот воситаларида, шунингдек мавжуд бўлган тақдирда ўз расмий веб-сайтларида олинган ҳомийлик хайриялари тўғрисидаги ахборотни ошкор этиши шарт ҳисобланади.

Бугунги кунда бюджет ташкилотларига юридик ва жисмоний шахслар томонидан берилган ҳомийлик (беғараз) ёрдам пул маблағлари, асосий воситалар, номоддий активлар, товар-моддий заҳиралар ва бошқа турли активлар кўринишида бўлиши мумкин. Лекин, мазкур ҳомийликларни бюджет ташкилотлари томонидан бухгалтерия ҳисобида тўғри ва тўлиқ акс эттирилмаслиги натижасида бир қатор муаммолар юзага келмоқда.

Биринчидан, ҳомийлик ҳисобига келган асосий воситалар, номоддий активлар, товар-моддий заҳиралар ва бошқа турли активларни ўз вақтида бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмаслиги натижасида инвентаризация жараёнида ортиқча мол-мулкни юзага келиши.

Иккинчидан, ҳомийлик (беғараз) ёрдам сифатида келган пул маблағларини ҳисоби бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари таркибида 4001...лик шахсий ғазна ҳисобварағида юритилиши натижасида бошқа бюджетдан ташқари маблағлар билан қўшилиб кетиши ҳамда бухгалтерия ҳисобида алоҳида бу ҳомийлик маблағлари бўйича аниқ ва ишончли ахборотни олиш имкониятини чекланганлиги.

Учинчидан, ҳомийликдан келган мол-мулкни бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисоботларида алоҳида акс эттирилмаслиги.

BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

Тўртинчидан, бюджет ташкилотлари томонидан ҳомийликдан келган асосий воситалар, номоддий активлар, товар-моддий захиралар ва бошқа турли активлар ҳамда пул маблағлар ва уларнинг сарфланиши юзасидан оммавий ахборот воситаларида ёки ўзларининг расмий веб-сайтларида олинган ҳомийлик хайриялари тўғрисидаги ахборотни ошкор этилмаслиги.

Бюджет ташкилотларининг молия-хўжалик фаолиятида юқорида келтирилган муаммоларнинг юзага келиши ҳомийликдан келган мол-мулк ва пул маблағларининг талон-тарож бўлиши ҳамда бухгалтерия ҳисоби ахборотлари ва маълумотларининг ишончсизлигига, шунингдек, молиявий ҳисоботларнинг нотўғри шаклланишига олиб келади.

«Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги йўриқномага мувофиқ (рўйхат рақами 2169, 2010 йил 22 декабрь) ҳомийлик ҳисобига келган активларни бюджет ташкилотларининг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини 1-жадвалда кўришимиз мумкин.

1-жадвал

Бюджет ташкилотларида ҳомийлардан қабул қилинган активларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши¹

| Т/р | Бухгалтерия операцияси мазмуни | Бухгалтерия ўтказмаси | |
|-----|---|--|--|
| | | Дebet | Кредит |
| 1. | Нақд пул шаклидаги ҳомийлик маблағларини кирим қилиниши | 120-«Миллий валютадаги нақд пул маблағлари» | 262-«Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар» |
| 2. | Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасига ҳомийлик маблағларини келиб тушиши (4001...лик шҒХ) | 112-«Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари» | |
| 3. | Ҳомийлардан товар моддий захираларнинг қабул қилиниши | 06 -«Товар-моддий захиралар» счётининг тегишли субсчётлари | |
| 4. | Ҳомийлардан асосий воситаларнинг қабул қилиниши | 01-«Асосий воситалар» счётининг тегишли субсчётлари | |
| 5. | Ҳомийлардан номоддий активларнинг қабул қилиниши | 030 «Номоддий активлар» субсчёти | |

Мазкур 1-жадвалдаги бухгалтерия ўтказмаларидан кўриш мумкинки, бюджет ташкилотларига ҳомийликдан келган асосий воситалар, номоддий активлар, товар-моддий захираларни кирим қилиниши 262-«Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар» субсчётида ривожлантириш жамғармаси даромадлари сифатида акс эттирилиши натижасида ҳомийликдан келган мол-мулкнинг

¹ Муаллиф томонидан тузилган.

BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

аналитик ҳисобини ҳисоб регистрларида алоҳида шакллантириш имконияти чекланганлиги намоён бўлади. Шунингдек, ҳомийликдан келган мол-мулк бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисоботларида алоҳида акс этмайди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, бюджет ташкилотларининг ҳомийликдан олинган пул маблағлари ва мол-мулки бўйича бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади.

Биринчидан, ҳомийлик ҳисобига келган асосий воситалар, номоддий активлар, товар-моддий захиралар ва бошқа турли активларни бюджет ташкилотларининг бухгалтерия ҳисобида ўз вақтида тўғри аниқ акс эттириш ҳамда аналитик ҳисоб регистрларида алоҳида шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (2-сон БҲС рўйхат рақами 3078, 2018 йил 20 октябрь) «Ягона счётлар режаси»да **902 100-«Беғараз (бепул) олинган ёки берилган асосий воситалар, қийматликлар ва номоддий активлар»** ва **902 200-«Беғараз (бепул) олинган ёки берилган товар-моддий захиралар»** субсчётлари амалиётга жорий қилиниши зарур.

2-жадвал

Бюджет ташкилотларида ҳомийлик ҳисобига келган активларнинг «Ягона счётлар режаси» бўйича бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши²

| Т/р | Бухгалтерия операцияси мазмуни | Бухгалтерия ўтказмаси | |
|-----|---|--|--|
| | | Дебет | Кредит |
| 1. | Нақд пул шаклидаги ҳомийлик маблағларини кирим қилиниши | 109 100-«Миллий валютадаги нақд пул маблағлари» | 520 310-«Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси бўйича ҳисобланган даромадлари» |
| 2. | Бюджет ташкилотига ҳомийлик маблағларини келиб тушиши (4021...лик шҲХ) | 102 401-«Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари» | 520 310-«Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси бўйича ҳисобланган даромадлари» |
| 3. | Ҳомийлардан товар моддий захираларнинг қабул қилиниши | 160 000-«Товар-моддий захиралар» счётининг тегишли субсчётлари | 902 200-«Беғараз (бепул) олинган ёки берилган товар-моддий захиралар» |
| 4. | Ҳомийлардан асосий воситаларнинг қабул қилиниши | 221 000-«Асосий воситалар» счётининг тегишли субсчётлари | 902 100-«Беғараз (бепул) олинган ёки берилган асосий воситалар, қийматликлар ва номоддий активлар» |
| 5. | Ҳомийлардан номоддий активларнинг қабул қилиниши | 223 400-«Номоддий ноишлаб чиқариш активлари» счётининг | |

² Муаллиф томонидан тузилган.

BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

| | | |
|--|---------------------|--|
| | тегишли субсчётлари | |
|--|---------------------|--|

Натижада бюджет ташкилотларига ҳомийлик ҳисобига келган мол-мулкнинг бухгалтерия ҳисобида тўғри ва тўлиқ акс эттирилишига ҳамда бухгалтерия ахборотлари ва маълумотларининг ишончилигига эришилади.

Иккинчидан, бюджет ташкилотларида ҳомийликдан келиб тушган маблағлар тушуми ва сарфланишининг ҳисобини алоҳида юритилишини таъминлаш мақсадида ҳар бир вазирлик, идора ва ташкилотлар учун алоҳида шахсий ғазна ҳисобварақларини (маблағлар манбаси 4021...) очиш зарур. Бунинг учун «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизимида шахсий ғазна ҳисобварақларини юритиш» қоидаларига (рўйхат рақами 2772, 2016 йил 30 март) ҳомийликдан келиб тушган маблағлар тушуми ва сарфланишининг ҳисоби учун алоҳида 4021...лик шахсий ғазна ҳисобварақни киритиш керак. Мазкур 4021...лик шахсий ғазна ҳисобварақни амалиётга киритилиши ҳомийликдан келиб тушган маблағлар тушуми ва сарфланишининг ҳисобини «UzASBO 2» дастурий мажмуасида алоҳида шакллантириш имконини беради.

Учинчидан, ҳомийликдан келган мол-мулкни бюджет ташкилотларининг «Молиявий фаолият натижалари тўғрисида ҳисоботи»да «Беғараз (бепул) қабул қилинган (берилган) моддий қийматликлар (902 000)» номли алоҳида қаторда акс эттириш керак. Натижада, ҳомийликдан келган мол-мулк бўйича молиявий ҳисоботлар маълумотларининг тўғрилиги ҳамда ишончилиги таъминланади.

Тўртинчидан, бюджет ташкилотлари томонидан ҳомийлик хайриялари олинган кундан эътиборан ўн кун ичида оммавий ахборот воситаларида ёки ўзининг расмий веб-сайтларида олинган ҳомийлик хайриялари тўғрисидаги ахборотни ошкор этмаслиги юзасидан жавобгарлик белгилаш зарур. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175-1 моддасига кўра «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликни бузиш» ҳолати сифатида белгиланиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, ҳомийлик ҳисобига келган асосий воситалар, номоддий активлар, товар-моддий заҳиралар ва бошқа турли активларни ҳамда ҳомийликдан келиб тушган маблағлар тушуми ва сарфланишининг ҳисобини бюджет ташкилотларининг бухгалтерия ҳисобида ўз вақтида тўғри аниқ акс эттирилиши, ҳомийликдан келган мол-мулк ва пул маблағларининг талон-тарож бўлинишини олди олинади ҳамда ушбу мол-мулклар бўйича молиявий ҳисоботлар маълумотларининг тўғрилиги, ишончилиги таъминланади. Бу эса ўз навбатида бюджет ташкилотини янада ривожланишига имконият яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет кодекси” 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-360-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 02 майдаги “Ҳомийлик тўғрисида”ги ЎРҚ-96-сон Қонуни.

BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 414-сон Қарори.
4. «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги йўриқнома (рўйхат рақами 2169, 2010 йил 22 декабрь).
5. Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти «Ягона счётлар режаси» (2-сон БХС рўйхат рақами 3078, 2018 йил 20 октябрь).
6. «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизимида шахсий газна ҳисобварақларини юритиш» қоидалари (рўйхат рақами 2772, 2016 йил 30 март).
7. Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти “Бюджет ҳисоботи”га (рўйхат рақами 3124, 2019 йил 19 январ).
8. Қурбонов Ш.М. “Давлат тиббиёт ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби ва ички аудитни такомиллаштириш” мавзусидаги и.ф.ф.д. дисс. автореферати. Т., 2022 – 58 б.
9. Raximov M.Y. Moliyaviy ҳисобот таҳлили Darslik. - Т.: Iqtisod-Moliya. 2021. – 356 б.
10. Raximov M.Y., Kalandarova N.N. Moliyaviy tahlil. Darslik. Т.: Iqtisod-: Moliya, 2019. -736 б.
11. Сагдиллаева З.А., Юлдашева У.А., Алимов Б.Б. Финансовый анализ.: Учебник -Т.: Иқтисод-Молия, 2019. - 444 с.
12. Рахимов, М. Ю., & Рузмаматов, А. К. (2024). Янги лойиҳалар бошқарувидаги иқтисодий дастакларни такомиллаштириш. *World scientific research journal*, 23(2), 362-375.
13. Raximov, M. Y. (2015). Iqtisodiyot subyektlari moliyaviy holatining tahlili. O ‘quv qo‘llanma. Т.: “Iqtisod-moliya.
14. Чориев И.Х. (2023). Молиявий ҳисоботлардаги хатоликларни аниқлашда таҳлилий амаллардан фойдаланишнинг услубий жиҳатлари. *Scientific Journal of “International Finance & Accounting*, Issue 1, February 2023..
15. Қличев, Б. (2021, май 21). Маҳсулот (иш, хизматлар) га баҳо шакллантириш масалалари. Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг долзарб масалалари. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647005>
16. Сагдиллаева, З. А., & Файзиев, У. Ш. (2023). АНАЛИЗ И ОЦЕНКА ФИНАНСОВОГО ПОЛОЖЕНИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ. In *Бухгалтерский учет, анализ и аудит: история, современность и перспективы развития* (pp. 201-207).
17. Қличев, Б. (2021, май 21). Ўзбекистонда ишбилармонлик фаоллиги таҳлилин ташкил этиш. Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг долзарб масалалари. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10646960>
18. Рахимов, М. Ю., Мавланов, Н. Н., & Каландарова, Н. Н. (2022). Экономический анализ. Учебник. Т.: «Экономика-Финансы.
19. Қличев, Б. (2021, май 5). Ишбилармонлик фаоллиги индекси таҳлили. *Biznes-tahlilni rivojlantirishning zamonaviy tendensiyalari va istiqbollari*. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647021>
20. Чориев И.Х. (2023). Молиявий инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш. *Scientific Journal of “International Finance & Accounting*, Issue 2, April 2023.
21. Қличев, Б. (2022, сентябрь 16). Операцион фаолият таҳлилида харидор танлови асосида маҳсулотга баҳо шакллантириш масалалари. Инновацион ёндашув асосида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647059>

BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

22. Mamatqulov A.X. (2024). Qayta ishlash korxonalarida ishlab chiqarish hisobi va tahlilini takomillashtirish. *Jahon ilmiy tadqiqot jurnali*, 26(3), 132–140.

<http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3256>

23. Сагдиллаева, З., Чориев, И., Максудов, А., & Юлдашева, Ю. (2007). Экономический анализ.

24. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2024). Ишчилар кўнимсизлиги таҳлили. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 287–294. Retrieved from

<http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3042>

25. Pardayevich, K. B. (2022). ANALYSIS OF PRODUCT PRICING BASED ON PRODUCT PARAMETERS AND CUSTOMER CHOICE. *Journal of new century innovations*, 6(1), 67-79

26. Mamatqulov A.X. (2023). Paxtani qayta ishlash korxonalarida xarajatlarini boshqarish va hisobga olish usullari. *Moliya ilmiy jurnali*, 3-сон.

27. Mamatqulov A.X.(2023). Paxtani qayta ishlash korxonalarida ishlab chiqarish xarajatlari bo‘yicha tannarxni hisoblash usullarini takomillashtirish

https://gospodarkainnowacje.pl/index.phpissue_view_32articleview1910

28. Yuldashevna, R. U. (2022). Monitoring of Credit Risks as Financial Resources In Commercial Banks. *International journal of trends in business administration*, 12(1).

29. Rozmatova Umida Yuldashevna. (2024). NOMODDIY AKTIVLAR AUDITINI TAKOMILLASHTIRISH. *World Scientific Research Journal*, 26(3), 177–184. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3261>

30. Rozmatova Umida Yuldashevna. (2023). IQTISODIYOTNI RIVOJLANISH ISTIQBOLLARIDA AXBOROT KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARINING AHAMIYATI . *World Scientific Research Journal*, 16(1), 20–22. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2693>